

ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ СОҒЛИҚҚА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ФАОЛИЯТИ

Мустофақулов Бобур Асрор ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Хуқуқбузарликлар
профилактикаси фаолияти кафедраси ўқитувчиси, капитан

Мартабалиева Муштарий Бахтиёржон қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси кундузги таълим
Хуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти ихтисослиги бўйича
таълим олаётган 3-ўқув курси 315-ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17789080>

Аннотация: Ушбу мақолада профилактика инспекторларининг соғлиққа қарши жиноятларнинг умумий профилактикаси бўйича тушунчаси, асосий йўналишлари, маҳаллада соғлиққа қарши жиноятларнинг умумий профилактикасини амалга ошириладиган чоратadbирлари ва профилактика инспекторларининг соғлиққа қарши жиноятларнинг умумий профилактикасини такомиллаштириш бўйича фикр мулоҳазалар ёритилган.

Калит сўзлар: профилактика инспектори, соғлиққа қарши жиноятлар, соғлиққа қарши хуқуқбузарликлар умумий профилактикаси, хуқуқбузарликлар профилактикаси.

Аннотация: В данной статье освещены понятие инспекторов по профилактике общей профилактики преступлений против здоровья, основные направления, меры, осуществляемые по общей профилактике преступлений против здоровья в махалле, и мнения инспекторов по профилактике по совершенствованию общей профилактики преступлений против здоровья.

Ключевые слова: инспектор по профилактике, общая профилактика преступлений против здоровья, правонарушений против здоровья, профилактика правонарушений.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш фуқароларнинг хуқуқлари эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири саналади.

Қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий омили бу хуқуқбузарликлар профилактикасини самарали ташкил этиш ва хуқуқбузарликларнинг сабаблари билан курашиш эмас балки унга олиб келувчи шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишдан иборатдир. Шу муносабат билан хуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий субъектлари ҳисобланган ички ишлар органларининг

профилактика фаолиятини чуқур ўрганиш ва уни янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ислохотларнинг кенг кўламда амалга оширилиши жараёнида унинг моддий техник таъминотини яхшилаш, замонавий алоқа воситалари билан таъминлаш борасида катта ҳажмдаги ишлар олиб борилмоқда, шу билан бирга мазкур соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш юзасидан ҳам алоҳида вазифалар белгиланиб, ходимларни тайёрлаш қайта тайёрлаш, уларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли Фармонида ички ишлар органларининг фаолиятида мавжуд 9 та камчилик ва уларни бартараф этиш юзасидан вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Биз “Адолат – қонун устуворлигида” деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор»¹ деб такидлаб ўтди.

Янги Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий ва маънавий тарбиясини юксалтириш, уларнинг қонуларга ҳурмат қилиш ва унга амал қилиш руҳида тарбиялаш юзасидан олиб бориладиган ҳуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги профилактик чора-тадбирлари катта ўринга эгади. Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғриси да»ги 2014 йил 14 май қонуни ўзига хос ўринга эга бўлиб, у ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги муносабатларни комплекс жиҳатдан тартибга солувчи ҳуқуқий асос ҳисобланади. Ушбу қонунга асосан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси – бу ҳуқуқ тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш,

¹ Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги матбузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.



ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек уларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизимидир².

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 3-боби Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси деб белгиланган. Ушбу қонуннинг 22-моддасида Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунчаси келтирилган.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасидир³.

Ушбу қонуннинг 23-моддасида Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари белгиланган.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари қуйидагилардан иборат:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

Аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

Ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси қонунчиликка мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.


Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг Махсус қисмининг II боби Соғлиққа қарши жиноятларга бағишланган бўлиб ушбу бобда жиноят кодексининг 104-111-моддаларни ўз ичига олади. Ушбу моддалар соғлиққа қарши жиноятлар ҳисоланади⁴. Булар қуйидагилар ҳисобланади.

104-модда. Қасддан баданга оғир шикаст етказиш.

² 10 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №20. – 221-м.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғриси да»ги қонуни <https://lex.uz/docs/2387357#2387563>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111453>.



105-модда. Қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказиш.

106-модда. Кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш.

107-модда. Зарурий муҳофаа чегарасидан четга чиқиб, қасддан баданга оғир шикаст етказиш.

108-модда. Ижтимоий хавfli қилмиш содир этган шахсни ушлашнинг зарур чоралари чегарасидан четга чиқиб, баданга қасддан оғир шикаст етказиш.

109-модда. Қасддан баданга енгил шикаст етказиш.

110-модда. Қийнаш.

111-модда. Эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш⁵.

Профилактика инспекторлари юқорида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 104-111-моддаларида⁶ кўрсатилган жиноятни содир этилишини олдини олиш мақсадида соғлиққа қарши жиноятларнинг умумий профилактикаси бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқилишида иштирок этади ва ҳуқуқий тарғибот ўтказида ҳамда соғлиққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича тақлимномалар киритади.

Профилактика инспекторлари ҳуқуқбузарликларнинг соғлиққа қарши умумий профилактикасини амалга оширишда бевосита ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликни амалга оширади.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг соғлиққа қарши умумий профилактикасининг чора-тадбирлари ва усуллариининг кўплиги ҳамда турли-туманлиги уларни тўлиқ таснифлаш, санаб ўтиш ва таҳлил қилиш имконини бермайди. Бу ўринда ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг ўзига хос хусусиятларига баҳо бериш аҳамиятлидир, бунда ушбу турдаги профилактиканинг объектларининг ўзига хослигига эътибор қаратилади. Хусусан, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг объекти - кенг жамоатчиликдир ва бунда алоҳида шахслар танлаб олинмайди. Масалан, маҳалла аҳолиси, меҳнат жамоалари (корхона, муассаса, ташкилотлар ходимлари), вояга етмаганлар жамоаси

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111453>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://www.lex.uz/acts/111453>.



(мактаб, коллеж ва академик лицейлар), ёшлар жамоаси ва бошқалар. Бунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси барчага бир ҳил равишда етказиб берилади ва таъсир доираси кенгроқлиги билан ажралиб туради. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг қуйидаги асосий иккита йўналиши мавжуд: Биринчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни аниқлашга қаратилган усуллар ташкил қилади. Ушбу усулларнинг хусусияти шундаки, улар бевосита профилактик самара бермайди (ва бериши ҳам керак эмас). Шунга қарамай, ушбу усулларнинг ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолиятининг пировард мақсадларига эришишдаги ўрни ва аҳамиятини қадрламаслик хато бўлади. Чунки бу жараёнда ҳудуддаги ёки маълум бир гуруҳлар ўртасидаги муаммолар, низолар ва ҳуқуқбузарликларнинг умумий кўриниши таҳлил этилади. Иккинчидан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва унга имкон берган шароитларни бартараф этишга бевосита қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш киради, масалан учрашув, маъруза, тарғибот-ташвиқлот ва шу каби чора-тадбирлар амалга оширилади⁷.

Назаримизда профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасининг бошқа турларидан фарқиға эътибор қаратиш лозим. Масалан, бошқа профилактиканинг бошқа турлари чора-тадбирлари аниқ бир ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга қаратилган бўлса, ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирлари кўп мақсадли хусусиятга эга бўлади, масалан фуқароларнинг маънавий-ҳуқуқий тарбиясини шакллантириш, уларни қонун ва қонун ости ҳужжатларига риоя қилиш борасидаги тушунчаларини ошириш ҳамда уларнинг фаоллигини ошириш орқали келгусидаги ижтимоий муҳим натижаларга эришиш мўлжалланади. Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик фаолияти бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган ижтимоий вазифалардан ташкил топган.

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш жоизки профилактика инспекторлари соғлиққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси доирасида чора тадбирларни маҳалласида ҳар бир хонадонга бирма бир кириб маҳаллабай, хонадонбай ишларни манзилли ташкиллаштиради ва ҳар бир маҳалла фуқаросига етиб бориб соғлиққа қарши ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси тушунтирилса маҳаллада битта ҳам жиноят бўлмайди. Бу еса профилактика

⁷ Ўшқ ишлар органлари профилактик фаолияти дарслигидан.






инспекторининг ўзининг функционал вазифасини сидқидилдан бажарилганлигини кўрсатади. Ушбу чора-тадбирлар натижасида юртимиз тинч осмонимиз мусаффо бўлади ва фуқароларимиз давлатдан рози бўлиб тинч-тотув яшайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шавкат Мирзиёев. “Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови”. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси./ Халқ сўзи., 2016., № 243 (6678) Б.1-3.
2. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №20. – 221-м.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғриси да»ги қонуни
<https://lex.uz/docs/2387357#2387563>.
4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси.
<https://www.lex.uz/acts/111453>.
5. Ички ишлар органлари профилактик фаолияти дарслигидан.
6. Mayor, Atazhanov O'tkir Mamatsalaevich. “ichki ishlar organlari profilaksiya inspektoriy inspektorlari mahalla fuqarolar yiginlaridagi hisobot berish faolyatining huquiy asoslari tahlili.” Yangi asr innovatsiyalari jurnali 11.6 (2022): 117-121.
7. Bobur, Mustofaqulov, Asror o'g'li, Niyatullo Jahongir o'g'li Ahmadqulov. "muhim siyosatdan kasallik inspektorlarini oldini olish". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.2 (2024): 58-62..
8. ugli G'ofurov, A. A., & o'g'li Mustofaqulov, B. A. (2024 yil, dekabr). huquqchilik profilaktikasi xizmatinda kadrlarni ta'lim olishning samarali tizimini takmonlash. xalqaro ilmiy konferensiyada “ilmiy ilimlar va innovatsion yundashishlari” (1-jild, 2-son, 16-22-betlar).
9. Bobur, Mustofaqulov, Asror O'g'li va Asadbek Abror O'g'li Abduxalilov."muhim hodisa bo'lgan holda kasallikning muhimligini tekshirishni profilaktikasi". Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies 2.1-2 (2024): 130-136.
10. Мустофақулов Б. А. Ў., Эшонқулов Ё. Х. Ў. ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2025. – Т. 2. – №. 47 – С. 126-132.





11. Мустофаулов Б. А. Ў., Ибрагимов А. Ш. Ў. профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилиши сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилишни такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2. – С. 22-26.
12. Мустофаулов Б. А. Ў., Абдуллоев С. А. Ў. профилактика инспекторининг оммавий тартибсизликларни олдини олиш фаолиятини такомиллаштириш //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 2-2. – С. 28-32.

